

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Yu.22.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

ХУДАЙБЕРГЕНОВ БЕХЗОД БАХТИЁРОВИЧ

БАНКРОТЛИК ТАОМИЛИ СИФАТИДА СУД САНАЦИЯСИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

12.00.03 – Фуқаролик ҳуқуқи. Тадбиркорлик ҳуқуқи.
Оила ҳуқуқи. Халқаро хусусий ҳуқуқ

юримдик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2019

Докторлик диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской диссертации

Content of the abstract of doctoral dissertation

Худайбергенов Бехзод Бахтиёрович

Банкротлик таомили сифатида суд санациясини такомиллаштириш 3

Hudaybergenov Behzod Bahtiyorovich

Improving judicial sanitation as bankruptcy procedure 23

Худайбергенов Бехзод Бахтиёрович

Совершенствование судебной санации как процедуры банкротства 41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 45

ХУДАЙБЕРГЕНОВ БЕХЗОД БАХТИЁРОВИЧ

БАНКРОТЛИК ТАОМИЛИ СИФАТИДА СУД САНАЦИЯСИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

12.00.03 – Фуқаролик ҳуқуқи. Тадбиркорлик ҳуқуқи.
Оила ҳуқуқи. Халқаро хусусий ҳуқуқ

юримдик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3.PhD/Үн93 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат юридик университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tsul.uz) ва «ZiyoNET» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Синдаров Комил Ойдинович
юридик фанлар доктори

Расмий оппонентлар:

Рустамбеков Ислонбек Рустамбекович
юридик фанлар доктори, доцент

Азизов Худойкул Тожиевич
юридик фанлар номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Үн.22.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил 9 август соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент шаҳар, Сайилгоҳ кўчаси 35. Тел.: (998971) 233-66-36; факс: (998971) 233-37-48; e-mail: info@tsul.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат юридик университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (879-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент шаҳар, А.Темур кўчаси 13. Тел.: (998971) 233-66-36).

Диссертация автореферати 2019 йил 26 июлда тарқатилди.
(2019 йил 26 июлдаги 3-рақамли реестр баённомаси).

Н.С.Салаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори, доцент

Б.Т.Мусаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)

Н.Ф.Имомов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори, профессор

КИРИШ (Докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда тадбиркорлик субъектларини банкротликдан сақлаб қолиш ва уларни соғломлаштиришнинг ҳуқуқий асосларини белгилаш масаласи бозор муносабатлари шароитида тобора долзарб аҳамият касб этмоқда. Жаҳон банкининг «Бизнес юритиш – 2019» ҳисоботида тўловга қобилиятсизликни ҳал қилиш (resolving insolvency) индикатори бўйича 190 та давлатнинг ҳуқуқий асослари таҳлил қилинган бўлиб, унга кўра норматив-ҳуқуқий базанинг самарадорлиги 16 баллни, қарздорни соғломлаштириш таомилларини қўллаш индекси 3 баллни ташкил этиши лозим¹. Ҳисоботда келтирилган кўрсаткичларнинг банкротликни олдини олиш билан боғлиқлиги тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги миллий ҳуқуқий асосларни жаҳон стандартлари билан бирхиллаштириш, суд санацияси орқали қарздор тўлов қобилиятини тиклашга қаратилган нормаларни янада такомиллаштириш зарурати мавжудлигидан далолат бермоқда.

Жаҳонда суд санациясини ҳуқуқий тартибга солишнинг ўзига хослигидан келиб чиққан ҳолда ушбу соҳани такомиллаштиришнинг илмий йўналишларини ишлаб чиқишга алоҳида аҳамият берилмоқда. Жумладан, суд санациясининг тўловга қобилиятсиз қарздорга нисбатан жорий қилинишини ҳисобга олиш, суд санацияси даврида қарздор ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, кредиторлар талабларини адолатли ва тўлиқ қаноатлантириш мақсадида суд санациясини қўллашнинг янада самарали механизмларини ишлаб чиқиш, суд санациясини қўллашга оид норматив-ҳуқуқий базани тизимлаштириш, ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш билан боғлиқ масалаларни илмий тадқиқ этиш муҳим аҳамиятга эга.

Республикамызда тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, мулкнинг дахлсизлигини таъминлаш, фуқаролик ҳуқуқларини тўсқинликсиз амалга оширишда банкротликни олдини олиш ва қарздор тўлов қобилиятини тиклашга алоҳида эътибор берилиб, қатор мақсадли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бугунги шароитда қарздор корхонанинг банкрот бўлишидан кўра, уни сақлаб қолиш иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан фойдалидир. Банкротлик тўғрисидаги ишда қўлланиладиган суд санацияси таомили қарздорни соғломлаштириш ва кредиторлар талабларини қондиришдаги муҳим таомиллардан бири ҳисобланади. Шунга боғлиқ равишда, «хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес ривожини йўлидаги барча тўсиқ ва чекловларни бартараф этиш, унга тўлиқ эркинлик бериш» иқтисодий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланиб, бу соҳани тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этмоқда².

¹ <http://www.doingbusiness.org/en/reports/global-reports/doing-business-2019>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси (1995, 1996) Иқтисодий процессуал кодекси (2018), Солиқ кодекси (2007), Жиноят кодекси (1994), Ўзбекистон Республикасининг «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуни (2003), Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги (2017) Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат активларини бошқариш, монополияга қарши курашишни тартибга солиш тизимини ва капитал бозорини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2019) Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг «Бизнес юритиш» йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2018) қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банкротлик таомилларини янада соддалаштириш ва суд бошқарувчилари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2019) қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Иқтисодий ночор корхоналарнинг суд бошқарувчилари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори (2004) ва мавзуга оид бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тўловга қобилиятсизликни ҳуқуқий тартибга солиш масалалари мамлакатимизнинг олимларидан – Ҳ.Р.Раҳмонкулов, И.Б.Зокиров, О.Окюлов, Ш.Н.Рузиназаров, К.О.Синдаров, С.С.Гулямов, И.И.Насриев, Х.Т.Азизов, Ф.Ҳ.Отахонов, А.Х.Шукуруллаев, Б.Б.Самарходжаев, С.Б.Холбаев, И.И.Таджиев, Н.В.Лопаетова, У.Н.Дўстов, Ф.Б.Ибраторова, А.М.Максудов, З.С.Умаров ва бошқаларнинг илмий ишларида муайян даражада кўриб чиқилган.

Илмий ишлар банкротликнинг ҳуқуқий табиати, банкротлик тўғрисидаги ишларни судда кўришнинг умумий масалаларига бағишланган бўлиб, қарздор тўлов қобилиятини тиклашга қаратилган суд санацияси таомили комплекс тадқиқ қилинмаган.

Хорижий мамлакатларда суд санацияси ва тўловга қобилиятсизликни бартараф қилишнинг назарий-ҳуқуқий жиҳатлари S.Smид, W.Breuer, S.Aktan, A.Keay, P. Walton, J.Ames, Douglas G.Baird, L.Fei, Jurinski J.J томонидан ўрганилган бўлса, МДҲ мамлакатларида Т.П.Шишмарева, М.В.Телюкина, В.В.Степанов, В.Н.Ткачев, Е.Ю.Пустовалова, В.Ф. Попондопуло, Е.С.Юлова, Г.А.Плиев,

С.А.Карелина, К.Б.Кораев, Н.А.Емелькина, Ш.Е.Эрлих, С.Б.Сарбаш, О.В.Сысоева, К.Д.Полевая ва бошқа олимлар томонидан тадқиқ қилинган¹.

Мамлакатимизда суд санациясини ҳуқуқий тартибга солишга оид алоҳида монографик тадқиқот олиб борилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Тошкент давлат юридик университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига киритилган ва «Тадбиркорлик субъектлари фаолияти эркинлигининг кафолатлари ва ҳуқуқий ҳимоя тизимини янада мустаҳкамлаш масалалари» ва «Тадбиркорлик фаолиятида корпоратив бошқарувнинг ҳуқуқий масалалари» илмий тадқиқотларининг устувор йўналишлари доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади банкротлик таомили сифатида суд санациясини ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш ва уни қўллаш амалиёти самарадорлигини оширишга қаратилган таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

суд санациясининг назарий-ҳуқуқий тавсифи ва тўловга қобилиятсизликни бартараф қилишдаги аҳамиятини таҳлил қилиш;

тўловга қобилиятсизлик (банкротлик) ҳуқуқининг ривожланиши ва унда қарздор тўлов қобилиятини тиклаш масалаларини тадқиқ қилиш;

суд санацияси қўлланиладиган шасхлар доираси ва тўловга қобилиятсиз қарздорнинг ҳуқуқий ҳолатини таҳлил қилиш ва хулосалар ишлаб чиқиш;

суд санациясини қўллаш механизмларини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишни таҳлил қилиш ва уни мақбуллаштириш билан боғлиқ таклифлар бериш;

суд санацияси чора-тадбирларини ҳуқуқий тартибга солишнинг ўзига хослигини таҳлил қилиш;

суд санацияси ва ташқи бошқарув таомилларининг ўзаро нисбати ва уларни оптималлаштириш масалалари бўйича хулосалар тақдим қилиш;

суд санацияси даврида кредиторлар, қарздор таъсисчилари (иштирокчилари) ёки мол-мулки эгаси ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш;

суд санациясини ўтказишга оид суд амалиёти ва суд бошқарувчиси (санация қилувчи бошқарувчи) фаолиятини такомиллаштириш бўйича тавсиялар бериш.

Тадқиқотнинг объекти банкротлик таомили сифатида суд санациясини қўллаш билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатлар тизими ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети банкротлик таомили сифатида суд санациясини қўллашга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, қонунни

¹ Мазкур олимлар асарларининг тўлиқ рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

қўллаш амалиёти, хорижий мамлакатлар қонунчилиги ҳамда юридик фанда мавжуд бўлган концептуал ёндашувлар, илмий-назарий қарашлар ва ҳуқуқий категориялардан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот олиб боришда тарихий, тизимли-тузилмавий, қиёсий ҳуқуқий, мантиқий, социологик, индукция ва дедукция, статистик маълумотлар таҳлили каби усуллар қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

қарздорнинг молиявий аҳволи ҳақидаги маълумотларни кредиторларга тақдим қилиш лозимлиги ва қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги қарорга шикоят билдириш мумкинлиги асосланган;

қарздорни соғломлаштириш мақсадида банкротлик тўғрисидаги иш қўзғатилишидан олдин тузилган бир кредиторнинг бошқа кредиторлардан устун бўлишига олиб келадиган битимларни ҳақиқий эмас деб топиш зарурлиги асосланган;

банкротлик тушунчасини халқаро стандартларга мослаштириш, кредиторлар талабларини қаноатлантириш билан боғлиқ муносабатларга тўловга қобилиятсизлик тушунчасини татбиқ қилиш мақсадга мувофиқлиги асосланган;

кредиторлар йиғилишининг қарорига мувофиқ суд санациясини жорий этиш ва ўтказиш, суд санацияси режаси айрим тоифадаги кредиторлар томонидан маъқулланиши лозимлиги асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

республикамизда тўловга қобилиятсизлик соҳасидаги ижтимоий муносабатларни комплекс ҳуқуқий тартибга солинишини такомиллаштириш, шунингдек мазкур соҳани ҳуқуқ соҳалари доирасида ўрганиш ва ривожланиш йўналишларини белгилаш мақсадида «Тўловга қобилиятсизлик (банкротлик) ҳуқуқи» янги ҳуқуқ институти сифатида асослантирилган;

суд санацияси тугатилаётган ва ҳозир бўлмаган қарздор, шунингдек фуқароларга нисбатан жорий қилинмаслиги таҳлил қилинган;

қарздор ва кредиторнинг қарздорга нисбатан суд санациясини қўллаш ҳақида судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлиши зарурлиги асосланган;

суд санациясини қўллашда муҳим босқич бўлган кузатув таомилини ўтказишга доир бир-бирига зид нормаларни мақбуллаштириш бўйича хулосалар берилган;

қарздор тўловга қобилиятини тиклашга қаратилган чоратадбирларни белгилаш ва самарали қўллашнинг ҳуқуқий асослари таҳлил қилинган;

қарздор тўлов қобилияти тикланганда ва кредиторлар талаблари қаноатлантирилганда суд бошқарувчиларини рағбатлантириш бўйича хулосалар ва тавсиялар берилган.

Ўзбекистон Республикасининг «Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида»ги Қонуни лойиҳаси (ўзбек ва рус тилларида), «Суд бошқарувчилари тўғрисида»ги низом лойиҳаси, «Суд бошқарувчиларини

аттестациядан ўтказиш тўғрисида»ги низом лойиҳаси, «Тўловга қобилиятсизликни яшириш ва қасддан банкротликка олиб келиш аломатларини аниқлаш қоидалари» лойиҳаси, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари нормаларини судлар томонидан қўллашнинг айрим масалалари ҳақида»ги қарори лойиҳаси ва уларнинг қиёсий жадваллари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижалари миллий қонун нормалари, ривожланган давлатлар тажрибаси, қонунни қўллаш амалиёти, социологик тадқиқотлар, статистик маълумотларни таҳлил қилиш натижалари умумлаштирилиб, тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилган. Хулоса, таклиф ва тавсиялар апробациядан ўтказилиб, уларнинг натижалари етакчи миллий ва хорижий нашрларда эълон қилинган. Олинган натижалар амалиётга жорий қилинган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот ишида илгари сурилган таклифлар ва илмий хулосалардан илмий-тадқиқот ишлари олиб боришда, ўқув жараёнида, қонун ижодкорлиги жараёнида фойдаланиш мумкин. Тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган таклифлар амалдаги қонун ҳужжатлари мониторингини амалга ошириш ва уларни такомиллаштиришда ижобий самара беради.

Диссертацияда баён этилган қоидалар, чиқарилган хулосалар, ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялардан ушбу муаммога доир илмий тадқиқотлар ўтказишда, амалдаги тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги қонунчиликни такомиллаштиришда, шунингдек тадбиркорлик ҳуқуқи, корпоратив ҳуқуқ модулларини ишлаб чиқиш ва уларни юриспруденцияга ихтисослашган олий ва ўрта махсус таълим муассасаларининг ўқув жараёнида, ўрганилган муаммога оид ўқув адабиётларини тайёрлашда фойдаланилиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Банкротлик таомили сифатида суд санациясини такомиллаштириш тадқиқоти бўйича олинган илмий натижалар асосида:

кредиторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни такомиллаштириш, қарздорнинг молиявий аҳволи тўғрисидаги ахборотни ҳар қандай кредиторга унинг ёзма сўрови олинган вақтдан бошлаб ўн кун ичида тақдим этиш, кредиторга қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги қарорга эътироз билдириш ҳуқуқини бериш билан боғлиқ таклифлар Ўзбекистон Республикаси «Банкротлик тўғрисида»ги Қонунининг 19-моддаси учинчи қисми ва 51-моддаси учинчи қисмларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитасининг 2019 йил 31 майдаги 04/1-06-76-сон хати). Ушбу таклифлар қарздорнинг молиявий аҳволи ва ўз фаолияти ҳақидаги ахборотни кредиторга тақдим этиб бориш ва банкротлик тўғрисидаги ишда қатнашувчи шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланишини ҳуқуқий тартибга солишга хизмат қилган;

қарздорни соғломлаштириш мақсадида банкротлик тўғрисидаги иш қўзғатилишидан олдин тузилган бир кредиторнинг бошқа кредиторлардан устун бўлишига олиб келадиган битимларни ҳақиқий эмас деб топишни ҳуқуқий тартибга солишга доир таклифлар Ўзбекистон Республикасининг «Банкротлик тўғрисида»ги Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2018 йил 28 сентябрдаги 2308/04-16-2-сон хати). Ушбу таклифлар банкротлик тўғрисидаги ишда қарздор тўлов қобилиятини тиклаш ва кредиторлар талаблари қаноатлантирилишини таъминлашга хизмат қилади;

банкротлик тушунчасини халқаро стандартларга мослаштириш билан боғлиқ таклифлар Ўзбекистон Республикасининг «Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида»ги қонуни лойиҳасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг 2019 йил 10 апрелдаги 1061/03-23-сон хати). Ушбу таклифлар қарздорни соғломлаштириш ва банкрот деб топиш билан боғлиқ муносабатларга тўловга қобилиятсизлик тушунчасини татбиқ қилиш ва тугатишга доир иш юритиш таомили қўлланилган ҳолатлардагина банкротлик тушунчасидан фойдаланишни ҳуқуқий тартибга солишга хизмат қилади.

суд санацияси ёки ташқи бошқарув режасини маъқуллашда кредиторларни тоифаларга ажратиш ва ҳар бир кредитор гуруҳининг овозларини алоҳида ҳисоблаш, банкротлик таомилларини ўтказиш муддатларини соддалаштиришга доир таклифлар Ўзбекистон Республикасининг «Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида»ги қонуни лойиҳасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг 2019 йил 10 апрелдаги 1061/03-23-сон хати). Ушбу таклифлар кредиторлар манфаатлари тўқнашувини адолатли ҳал қилиш, банкротлик тўғрисидаги ишда қарздор ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та илмий анжуманда, жумладан, 3 та халқаро, 3 та Республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 33 та илмий иш, жумладан, 1 та монография, 1 та ахборот-таҳлилий материал, 31 та илмий мақола (3 таси хорижий нашрларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 145 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** (докторлик диссертацияси аннотацияси) қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, тадқиқ этилаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, уларнинг жорий қилинганлиги, тадқиқот натижаларининг апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритиб берилган.

Диссертациянинг «**Суд санацияси банкротлик таомилининг ҳуқуқий генезиси, хусусиятлари ва замонавий ривожланиш тенденциялари**» деб номланган биринчи бобида суд санациясининг назарий-ҳуқуқий тавсифи ва тўловга қобилиятсизликни бартараф қилишдаги аҳамияти, тўловга қобилиятсизлик (банкротлик) ҳуқуқининг ривожланиши ва унда қарздор тўлов қобилиятини тиклаш масалалари, суд санацияси қўлланиладиган шасхлар доираси ва тўловга қобилиятсиз қарздорнинг ҳуқуқий ҳолати масалалари таҳлил қилинган.

Хорижий олимларнинг (Ю.Ю.Швец, Е.А.Файншимит, Т.В.Юрева, А.М.Коротченков, М.И.Титов) асарларида, энциклопедия ва луғатларда қўлланилган «санация», «суд санацияси» тушунчаларининг мазмуни таҳлил қилинган ва уларга муаллиф таърифи берилган.

Диссертацияда юридик нуқтаи назардан санациянинг икки кўриниши (судгача санация ва суд санацияси) мавжудлиги, уларнинг ўзаро фарқли жиҳатлари таҳлил қилинган. Банкротлик тўғрисидаги иш қўзғатилган кейин қарздор тўлов қобилиятини тиклашга қаратилган суд санацияси таомилининг банкротликни олдини олишдаги роли, аҳамияти, хорижий давлатлар қонунчилигида қўлланилиш ҳолати ўрганилган ҳолда унга муаллиф таърифи келтирилган. Суд санациясининг кредиторлар талабларини қаноатлантириш мақсадида банкротлик тўғрисидаги иш қўзғатилгандан кейин қарздор тўлов қобилиятини тиклашга қаратилган таомил эканлиги илмий жиҳатдан асослантирилган.

Амалга оширилган таҳлиллар натижасида, кредиторлар талабларини қаноатлантиришда «банкротлик» тушунчасининг тўловга қобилиятсизлик билан боғлиқ барча муносабатларга нисбатан татбиқ этилиши мақсадга мувофиқ эмаслиги, бу ҳолат қарздор тўлов қобилиятини тиклашга қаратилган суд санациясини қўллаш имкониятини пасайтириши асослаб берилган. Айрим давлатлар (Япония, Корея, Норвегия, Финляндия, Қозоғистон) қонунчилигига кўра, тўловга қобилиятсизликни бартараф қилиш бўйича судда икки хил иш кўрилиши (банкротлик тўғрисидаги иш ва реабилитация тўғрисидаги иш), бу вазиятда «тўловга қобилиятсизлик» тушунчасига устунлик бериш талаб этилмаслиги, судда ягона иш доирасида турли таомиллар (масалан, суд

санацияси, тугатишга доир иш юритиш) қўлланилганда «тўловга қобилиятсизлик» тушунчасидан фойдаланиш лозимлиги асослантирилган.

Тўловга қобилиятсизлик тушунчасига нисбатан хорижий эксперт ва олимлар (К.Б.Кораев В.В.Витрянский, М.В.Телюкина, В.Ф.Попондопуло, О.А.Москалева, С.А.Карелина, Ж.Х.Меррил, Ж.Ж.Журински) миллий олимлар (Ҳ.Р.Раҳмонқулов, С.С.Гулямов, Ф.Х.Отахонов, Ф.З.Ибратова, Н.В. Лопаева) томонидан билдирилган нуқтаи назарлар таҳлили асосида унинг ҳуқуқий муносабатларда тутган ўрни ва уни тартибга солишнинг мазмуни юзасидан аниқ нуқтаи назарлар ишлаб чиқилган.

Тўловга қобилиятсизлик (банкротлик) ҳуқуқининг ривожланиш тарихини ўрганиш натижасида *cessio bonorum* (ундирувни қарздорнинг шахсига қаратмаслик), қарзларни тўлашни кечиктириш, мажбуриятни учинчи шахслар томонидан бажарилиши каби механизмлар суд санациясининг ҳуқуқий асосларини белгилашда муҳим аҳамиятга эга бўлганлиги мазкур боб доирасида ўрганилган.

XVI асрда тўловга қобилиятсизликка доир муносабатларнинг ривожланиши натижасида Франция, Германия, Англияда тўловга қобилиятсизлик ҳақидаги махсус қонунлар қабул қилинган ва тўловга қобилиятсизлик билан боғлиқ махсус ҳуқуқ соҳалари ва институтлар пайдо бўла бошлаган. Бугунги кунга келиб улар турли номлар билан аталади: англосаксон ҳуқуқ тизимида мансуб давлатларда «Банкротлик ҳуқуқи» (*Bankruptcy law*), қитъа ҳуқуқ тизимида мансуб давлатларда «Тўловга қобилиятсизлик ҳуқуқи» (*Insolvency law*), «Корпоратив тўловга қобилиятсизлик ҳуқуқи» (*Corporate Insolvency law*), «Тугатиш ҳуқуқи» (Коркурсное право), Шарқий ва Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларида «Банкротлик ва санация ҳуқуқи» (*Bankruptcy and rehabilitation law*) ва бошқалар. Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқ тизимида тўловга қобилиятсизлик (банкротлик) ҳуқуқи институт сифатида ўрганилади ва ҳуқуқ соҳаси даражасида шаклланиб улгурмади. Миллий ҳуқуқий адабиётларда қўлланилган «банкротликни ҳуқуқий тартибга солиш», «банкротлик институти», «хўжалик юритувчи субъектларнинг банкротлиги» каби сўзлар ушбу институтнинг тўлиқ моҳиятини очиб беролмайди. Шу боисдан, қитъа ҳуқуқ тизимида кенг қўлланиладиган «Тўловга қобилиятсизлик (банкротлик) ҳуқуқи» доирасида қарздорнинг тўловга қобилиятсизлиги билан боғлиқ ижтимоий муносабатларни тартибга солиш мақсадга мувофиқ.

Хорижий олимлар (М.В.Телюкина, Е.А.Колиниченко, Г.Папе, В.В.Степанов, Д.М.Генкин, А.Х.Гольмстен, Е.Ю. Пустовалова, А.В.Егоров, В.Ф.Попондопуло) қарашлари таҳлил қилиниб, тўловга қобилиятсизлик (банкротлик) ҳуқуқининг мақсади кредиторлар талабларини тўлиқ ва адолатли қаноатлантириш эканлиги аниқланган ва шунга боғлиқ равишда «тўловга қобилиятсизлик (банкротлик) ҳуқуқи» тушунчасига муаллиф таърифи берилган.

Кредиторлар талабларини қаноатлантириш соҳанинг асосий мақсади эканлиги инобатга олиниб, шунингдек 1994 йил 5 октябрда қабул қилинган Германия Тўловга қобилиятсизлик Статутининг 1-моддасида,

Корея Республикасининг 2005 йил 31 мартда қабул қилинган Қарздорнинг реабилитацияси ва банкротлиги Актининг 1-моддасида, Япониянинг 2004 йил 2 июндаги Банкротлик актининг 1-моддасида, Россия Федерациясининг 2002 йил 26 октябрдаги «Ночорлик (банкротлик) тўғрисида»ги Қонуннинг 1-моддасида, Қозоғистон Республикасининг 2014 йил 7 мартдаги «Реабилитация ва банкротлик тўғрисида»ги Қонуни мукаддимасида кўрсатилган нормалар таҳлил қилинди ва Банкротлик тўғрисидаги қонуннинг 1-моддасини (қонуннинг мақсади) янги таҳрирда баён қилиш таклиф этилди.

Суд санацияси юридик шахсларга, шу жумладан нотижорат ташкилотлар, бюджетдан таъминланадиган ташкилотларга (назарий жиҳатдан), якка тартибдаги тадбиркорларга қўлланилади, тугатилаётган ва ҳозир бўлмаган қарздор, шунингдек фуқароларга жорий қилинмайди.

Германия Тўловга қобилиятсизлик статутининг 17-моддаси, Финляндия Банкротлик акти 2-бобининг 3-моддаси ва Корхоналар реструктуризацияси акти 1-боби 6-моддаси, Беларус Республикасининг «Иқтисодий ночорлик (банкротлик) тўғрисида»ги Қонуни 9-10-моддалари, Қозоғистон Республикасининг «Реабилитация ва банкротлик тўғрисида»ги Қонуни 5-моддаси ва Банкротлик тўғрисидаги қонуннинг 4, 5, 156-моддаларини таҳлил қилган ҳолда банкротлик тўғрисидаги ишни кўзғатишнинг шартини бўлган тўловга қобилиятсизлик белгиларига аниқлик киритиш бўйича таклифлар илгари сурилган.

Хорижий давлатлар (Германия, Финляндия, Қозоғистон) қонунчилигини ўрганиш натижасида қарздор банкротлигини олдини олиш, уни кредиторлардан ҳимоя қилиш ва ўз вақтида чора кўриш мақсадида тўловга қобилиятсизлик хавфи асосида ҳам ишни кўзғатиш мумкинлиги, тўловга қобилиятсизлик хавфининг бевосита суд санацияси билан чамбарчас боғлиқлиги, банкротликни олдини олишнинг муҳим шартлари эканлиги ва у билан боғлиқ нормаларни амалдаги қонунчиликка киритиш зарурияти асослантирилган.

Диссертациянинг «**Суд санациясини қўллаш тартиби, асослари ва уни мақбуллаштиришнинг ҳуқуқий механизмлари**» деб номланган иккинчи бобида суд санациясини қўллашнинг ҳуқуқий жиҳатлари, суд санацияси чора-тадбирларини ҳуқуқий тартибга солишнинг ўзига хослиги, суд санацияси ва ташқи бошқарув таомилларининг ўзаро нисбати ва уларни оптималлаштириш масалалари таҳлил қилинган.

Фуқаролик ҳуқуқларининг суд томонидан ҳимоя қилиниши қонун ҳужжатлари билан мустаҳкамланган экан, шахс қарздор бўладими ёки кредиторми, ушбу ҳуқуқ барчага тегишлидир. Қайси ҳуқуқлар бузилгани ва уни қандай шаклда тиклашни шахснинг ўзи танлаб судга мурожаат қилгани каби, қарздорни соғломлаштириш ёки уни банкрот қилишни суддан сўраш ҳам ҳар бир фуқаролик муомаласи иштирокчисининг ҳуқуқидир. Амалдаги қонунчилигимиз эса тўловга қобилиятсизлик белгилари мавжуд бўлганда, қарздорни банкрот деб топишни суддан сўраш ҳуқуқинигина қарздор ва кредиторга тақдим қилган.

«Бизнес юритиш» ҳисоботининг тўловга қобилиятсизликни ҳал қилиш индикатори, шунингдек Япония, Жанубий Корея, Финляндия ва Қозоғистон қонунчилигини таҳлил қилиш орқали қарздорда ўзини банкрот деб топиш ҳақида судга мурожаат қилиш ҳуқуқи билан бирга суд санацияси қўллашни сўраб судга ариза тақдим қилиш ҳуқуқини ҳам қонун билан тартибга солиш мақсадга мувофиқлиги, амалдаги қонунчилик билан қарздорда фақат ўзини банкрот деб топишни сўраб мурожаат қилиш ҳуқуқи мавжуд бўлиши қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклаш билан боғлиқ таомилларни қўллашга тўсиқ бўлаётгани, тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги ишни қўзғатиш ҳақида ариза билан қарздорни банкрот деб топиш ёки унга суд санациясини қўллашни сўраш мумкинлиги ҳақидаги таклифлар илгари сурилган.

Қарздорни соғломлаштириш ҳақида судга мурожаат қилишдан асосий мақсад – қарздорнинг иқтисодий муаммоларини вақтлик аниқлаш ва ҳал қилишдир. Қарздорнинг тўловга қобилиятсизлиги қанчалик эрта аниқланса ва уни бартараф қилиш бўйича қисқа муддатларда самарали чоралар кўрилса, кредитор талаблари ҳам шунчалик вақтли қаноатлантирилади, қарздорнинг тадбиркорлик фаолияти сақлаб қолинади.

Суд санацияси қўллаш ёки қарздорни банкрот деб топиш суддан сўраладими, ариза тақдим қилингандан кейин суд иш юритувини олиб бориш бўйича жаҳон амалиётида уч тизим вужудга келган. Биринчиси, «ягона кириш» тизими, унда банкротлик тўғрисидаги иш «нейтрал» таомил (кузатув)дан бошланади. Бундай тизим Россия, Франция, Ўзбекистон қонунчилигида ифодаланган. Иккинчи тизим банкротлик тўғрисидаги ишни қарздор тўлов қобилиятини тиклаш имкониятини сақлаб қолган ҳолда тугатишга доир иш юритиш таомилидан бошлашни назарда тутди (Германия, Беларус Республикаси). Бу тизим «тугатишга доир иш юритиш билан кириш тизими» деб номланиши ҳам мумкин. Ва ниҳоят, учинчи тизимда ё тугатишга доир иш юритиш таомили ёки қарздор тўлов қобилиятини тиклаш таомили қўлланилади (АҚШ). Ушбу тизимни «суд санацияси ва банкротлик» деб аташ мумкин.

Хорижий мутахассисларнинг (М.В.Телюкина, А.И.Белоликов) қарашларини таҳлил қилган ҳолда суд санацияси жорий этишда зарур бўлган кузатув таомилининг мазмуни, унинг аҳамияти очиқ берилган ва кузатув таомилини жорий этиш билан боғлиқ бир-бирига зид нормаларни қонунчиликдан чиқариш ва айримларига ўзгартириш киритиш асослантирилган.

Суд амалиёти материалларига асосланиб, банкротлик тўғрисидаги иш қўзғатилгандан кейин кредиторлар иродасидан ташқарида қарздор тўлов қобилиятини тиклашнинг имкони йўқлиги, суднинг кредиторлар иродасидан ташқарида суд санациясини жорий қилиши билан боғлиқ қоидаларни қонунчиликдан чиқариш лозимлиги илгари сурилган.

Шунингдек, суд санациясини жорий қилишни сўраб мурожаат қилиш ҳуқуқи қарздор муассиси ёки мол-мулки эгаси, учинчи шахсга берилиши мақсадга мувофиқ эмаслиги, қарзни узиш жадвалини тузиш

учун қарздорнинг розилиги талаб этилиши сабабли қарздорнинг ўзи суд санациясини жорий қилишни сўраб мурожаат қилиши лозимлиги асослантирилган. Агар аризага суд санацияси режаси ва қарздор молиявий аҳволи таҳлил қилинганлиги ҳақида ҳужжатлар илова қилинган бўлса, иқтисодий суд аризани иш юритишга қабул қилиш тўғрисидаги ажрим билан суд санациясини жорий қилиши ва санация қилувчи бошқарувчини тайинлаши мумкинлиги ҳақидаги қондани қонунчиликка киритиш зарурати қайд этилган.

Суд санацияси тамомланганлиги ёки муддатидан олдин тамомланганлиги ҳақида якуний ҳисоботни судга тақдим қилиш вазифаси санация қилувчи бошқарувчига берилиши асослантирилган.

Суд санацияси даврида қайта ташкил этиш, иқтисодий соғломлаштириш, ташкилий соғломлаштириш, ҳуқуқий воситалардан фойдаланган ҳолда соғломлаштириш чора-тадбирларини қўллаш орқали қарздор тўлов қобилиятини тиклаш мумкин.

Қарздор тўлов қобилиятини тиклашга қаратилган суд санацияси таомилининг лозим даражада бажарилишида қарздор битимларининг ҳақиқий эмаслиги ва қарздор тузган шартномаларнинг ҳуқуқий ҳолати билан боғлиқ қоидаларни қонунчиликка киритиш лозимлиги, қарздорни соғломлаштиришда дебиторлик қарзларни ундириш, мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш усулларида самарали фойдаланиш билан боғлиқ фикрлар илгари сурилган. Қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига кўрсатилган ҳолатлардан ташқари, тегишли битимларни ҳақиқий эмас деб топилишига доир таклифлар келтирилган.

Қарздор бошқарув органлари ваколатларининг тугатилиши ва қарздор раҳбарининг вазифасидан четлаштирилиши ташқи бошқарувни суд санациясидан ажратиб турадиган асосий омил сифатида намоён бўлади. Икки таомилнинг ҳам мақсади қарздор тўлов қобилиятини тиклаш ҳисобланади. Ривожланган мамлакатлар тажрибасида қарздорни соғломлаштириш учун бир таомил қўлланилади. Икки таомилни ягона таомил сифатида бирлаштириш мавжуд нормаларни қисқартиришга ва қонуннинг янада тушунарли бўлишига хизмат қилади. Қарздор бошқарув органлари ваколатларининг тугатилиши ва қарздор раҳбарининг вазифасидан четлаштирилиши билан боғлиқ масала кредиторлар йиғилиши томонидан кўриб чиқирилиши ва ҳал қилиниши лозим.

Диссертациянинг «**Кредиторлар талабларини қаноатлантиришнинг самарали воситаси сифатида суд санациясини ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш**» деб номланган учинчи бобида суд санацияси даврида кредиторлар, қарздор таъсисчилари (иштирокчилари) ёки мол-мулки эгаси ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашнинг ўзига хос хусусиятлари, суд санациясини ўтказишга оид суд амалиёти ва санация қилувчи бошқарувчи фаолиятини такомиллаштириш муаммолари илмий-назарий ва амалий жиҳатдан таҳлил этилган.

Суд санацияси таомилида ўтказиладиган барча чора-тадбирлар кредиторлар талабларини қаноатлантиришга қаратилганлиги боис,

таомил ҳам кредиторларнинг розилиги билан ўтказилади. Қарздор суд санациясини жорий қилиш ҳақида мурожаат қилганда ҳам суд санацияси режасини кредиторлар маъқуллаши керак, иш қўзғатилгандан кейин суд санацияси кредиторлар йиғилишининг қарори асосида қўлланилади. Суд санацияси жорий қилиш тўғрисида қарор қабул қилиш ҳуқуқи кредиторлар йиғилишига берилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 июлдаги «Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг «Бизнес юритиш» йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3852-сон қарорнинг 1-илоvasи IX боби (тўловга қобилиятсизликни ҳал қилиш) 46-бандида кредиторларни тоифаларга ажратиш, суд санацияси ва ташқи бошқарув режаларини тасдиқлашда ҳар бир кредиторлар тоифаларининг овозини алоҳида кўриб чиқиш ҳақида қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш лозимлиги баён қилинган.

Кредиторларнинг тоифаларга ажратиш билан боғлиқ қоидалар 2014 йил 7 мартдаги Қозоғистон Республикасининг «Реабилитация ва банкротлик тўғрисида»ги Қонунининг 1-моддаси, Германия Тўловга қобилиятсизлик Статутининг 13-моддасида келтирилган бўлиб, бир хил тоифадаги кредиторлар беш гуруҳга тақсимланади. «Бизнес юритиш» ҳисоботида суд санацияси режаси барча кредиторларнинг овози билан эмас, биринчи гуруҳ (гаров билан таъминланган мажбуриятлар бўйича кредиторлар) ва иккинчи гуруҳ (гаров билан таъминланмаган) кредиторларининг ярмидан кўпи бир вақтнинг ўзида овоз берган бўлса, қабул қилинган деб эътироф этилиши лозим. Шуларга асосан айтиш лозимки, суд санацияси режаси фақат айрим тоифадаги кредиторлар томонидан маъқулланади.

Кредиторларнинг биринчи йиғилишига суд санацияси жорий этиш тўғрисида илтимоснома билан мурожаат қилиш ҳақидаги умумий йиғилиш қарорини қабул қилиш учун етарли овоз тўпланмаса, бундай илтимоснома тақдим қилишни хоҳлаган ҳар қандай таъсисчи (иштирокчи) мажбуриятлар бажарилишини ўз зиммасига олиб учинчи шахс сифатида мустақил мурожаат қилиши мумкин. Қарздорнинг таъсисчилари (иштирокчилари) ёки мол-мулки эгасининг мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш усулларидадан фойдаланган ҳолда қарздорни соғломлаштиришга қаратилган ҳаракатларини ҳуқуқий тартибга солиш мақсадга мувофиқлиги асосланганлиги.

Диссертант банкротлик тўғрисидаги ишда таомилларнинг бошланиши ва якуни бўйича алоҳида суд ҳужжатларини қабул қилиш мантиқан тўғри бўлиши, банкротлик тўғрисидаги иш доирасида якуний ҳал қилув қарорини қабул қилиш лозим бўлган босқични белгилаб олиш муҳимлиги, тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги қонунчиликнинг асосий мақсади кредиторлар талабларини тўлиқ ва адолатли қаноатлантириш экан, фақат қарздорнинг банкрот деб топилиши якуний босқич бўла олмаслиги, қарздорнинг банкрот деб топилиши узоқ давом этадиган жараённинг бошланганлигини билдириши, кредиторлар талаблари тўлиқ

қаноатлантирилганда ёки кредиторлар талабларини қаноатлантириш бўйича бажарилган тадбирлар натижа бермаганда банкротлик тўғрисидаги иш якунига етиши ва шунда ҳал қилув қарорини қабул қилиш мақсадга мувофиқ, деган хулосага келган. Шуларга асосан, банкротлик тўғрисидаги ишда қабул қилинадиган ҳужжатларга аниқлик киритиш бўйича таклифлар илгари сурилган.

Амалдаги қонунчиликка кўра, суд кредиторлар иродасидан ташқари суд санациясини жорий қилиши мумкин. Судда кредиторлар йиғилиши қарорининг қонунийлиги кўриб чиқиши мумкин, агар зарурий фактларга аниқлик киритиш лозим бўлса (хабар бериш, овоз беришда иштирок этиш, овозлар сони), унда кредиторлар йиғилиши қарорини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақида судга мурожаат қилинади. Бироқ, таомилларни танлаш масаласида суд бетарафлигини сақлаши ва кредиторлар йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорни маъқуллаши лозим, деган хулосага келинган.

Суд санацияси даврида қарздор тўлов қобилиятининг тикланиши иш юритишни тугатиш учун асос бўлмаслиги, кредиторлар талаблари қаноатлантирилмагунча иш юритиш тугатиш мумкин эмаслиги асослантирилган.

Иқтисодий судларда кўрилаётган банкротлик тўғрисидаги ишларнинг сони йилдан-йилга ортиб бораётганини ҳисобга олсак, суд бошқарувчиларининг фаолиятига доир қатъий нормаларни белгилашга зарурат пайдо бўлмоқда. Амалдаги қонунчиликдан суднинг суд бошқарувчиси номзодини сўраб олиши билан боғлиқ қоидаларни чиқариш ва номзодни танлаш ва судга тақдим қилиш мажбуриятини ариза тақдим қилувчи шахсларга ўтказишга қаратилган нормаларни киритиш лозим, деган хулосага келинди. Шунингдек, санация қилувчи бошқарувчини ҳимоя қилиш ва уни рағбатлантиришга қаратилган нормаларни такомиллаштирмасдан туриб, унинг вазифаларини кенгайтириш мантқиққа зид. Қарздор раҳбарини лавозимдан четлаштириш ёки бу ҳақда судга мурожаат қилиш бу – суд бошқарувчиси ҳуқуқларини ҳимоя қилиш эмас. Аксинча, Банкротлик тўғрисидаги қонуннинг 19-моддасида суд бошқарувчисининг фуқаролик жавобгарлиги кўрсатилиб, унда суд бошқарувчиси вазифаларини бажармаганда ёки лозим даражада бажармаганда қарздорга, кредиторларга ва учинчи шахсларга зарар етказилганда, етказилган зарарнинг ўрнини қоплаши шартлиги кўрсатилган. Суд бошқарувчилари фаолиятига тўсқинлик қилган шахслар қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилишига доир таклифлар берилган.

Қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклаш ва кредиторлар талабларини қаноатлантиришда суд бошқарувчиси, хусусан, санация қилувчи бошқарувчини рағбатлантириш мақсадида қўшимча ҳақ тўлашга доир қоидаларни амалдаги қонун ҳужжатларига киритиш лозимлиги илгари сурилган.

ХУЛОСА

Банкротлик таомили сифатида суд санациясини такомиллаштириш мавзусидаги диссертация бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги назарий ва илмий-амалий аҳамиятга эга бўлган хулосаларга келинди:

1. Санация ва суд санациясига қуйидагича таъриф бериш мумкин бўлди:

«**Санация** – қарздор юридик шахс банкротлигини олдини олиш ва унинг тўлов қобилиятини тиклашга қаратилган молиявий, иқтисодий, техник, ишлаб чиқариш, ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар тизими».

«**Суд санацияси** – тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги ишда қарздор тўлов қобилиятини тиклашга қаратилган таомил».

2. Тўлов қобилиятини вақтинчалик йўқотган, муайян муддат давомида кредиторлар талабларини қаноатлантира олмаётган корхоналар банкрот деб топилмасдан соғломлаштирилади.

3. «Банкротлик» тушунчасининг тўловга қобилиятсизлик билан боғлиқ барча муносабатларга нисбатан татбиқ этилиши унга қарама-қарши бўлган суд санациясини қўллаш имкониятини пасайтирмақда. «Тўловга қобилиятсизлик» тушунчаси «банкротлик» тушунчасидан кенгроқ мазмунга эга бўлганлиги сабабли, қонун номида, судда кўриладиган ишнинг номида, тегишли ваколатли орган номида «тўловга қобилиятсизлик» сўзларидан фойдаланиш ва Ўзбекистон Республикасининг «Банкротлик тўғрисида»ги Қонунининг 3-моддасида уларга қуйидагича таъриф бериш таклиф қилинди:

«**тўловга қобилиятсизлик** – қарздорнинг пул мажбуриятлари бўйича кредиторлар талабларини қондиришга ва (ёки) мажбурий тўловлар бўйича ўз мажбуриятини бажаришга қодир эмаслиги».

«**банкротлик** – иқтисодий суд томонидан қарздорга нисбатан уни тугатиш учун асос бўлиб хизмат қиладиган тугатишга доир иш юритиш таомилининг қўлланилиши».

4. Жаҳон банки ва Халқаро савдо ҳуқуқи бўйича БМТ Комиссияси (ЮНСИТРАЛ) томонидан берилган тавсиялар ва кўрсатмалар, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг умумий қоидаларига таянган ва хорижий мамлакатларнинг тажрибасини инобатга олган ҳолда, суд санациянинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш заруратидан келиб чиқиб янги таҳрирдаги **Ўзбекистон Республикасининг «Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида»ги Қонуни** қабул қилиш таклиф этилди.

